

**ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ**

Мавлуда Лутфуллаевна Файзиходжаева

и.ф.н., доц. ТДТУ

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада халқаро темир йўл коридорларини ривожлантиришнинг иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамияти ёритилган бўлиб, темир йўл коридорлари орқали юк ташувлари самарадорлигини аниқлашда мижозларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, эгилувчан шароитга мослашган хизматлар ва фаолияти давомида харажатларни тежаш имконини берадиган механизмларни қўллаган ҳолда ёндошиш талаб этилиши таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** темир йўл, транспорт коридорлари, иқтисодиёт, самара, тизим, экспорт, халқаро тиашувлар.

Халқаро транспорт коридорлари орқали ташувлар самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Замонавий шароитда халқаро иқтисодий алоқалар ривожланишининг асосий тенденцияси уларнинг глобаллашувидир. Ушбу ҳолат иқтисодиётнинг кўп соҳаларига таъсир кўрсатади, шу ҳисобда давлат иқтисодиётида стратегик муҳим ва юқори аҳамиятга эга бўлган транспорт тизимини яратади.

Маълумки, транспорт миллий иқтисодиётининг базовий тармоғи ҳисобланади, шу сабабли ривожланиш даражаси ва самарадорлиги барча саноат тармоқларининг ривожланишига ва ўзаро фаолиятига боғлиқ бўлади.

Республика иқтисодиётининг глобаллашуви ва ташқи алоқаларни ривожланишини амалга ошириш жараёни транспорт хизматлари сифатини яхшилашга, юк ва йўловчилар оқимини ривожлантиришга янгича ёндошувни талаб этади. Республикада маҳсулот экспорти ҳажмининг ошиши давлат иқтисодиётида барча транспорт хизматларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш зарурлигини кўрсатади. Чунки, товар экспорти мамлакатнинг стратегик ривожланишида қандай муҳим бўлса, транспорт хизматлари экспортини кенгайтириш ҳам шундай зарур. Транспорт хизматлари экспортини ривожлантириш Ўзбекистон темир йўллари орқали ташиладиган юкларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш улушини оширади; транспорт тизимининг транзит потенциали (имкониятлари)дан фойдаланишни янада яхшилади ва б. Темир йўл транспорти мамлакат транспорт мажмуасининг асосини ташкил қилади ва катта иқтисодий, сиёсий ҳамда хавфсизликни таъминлаш аҳамиятига эга бўлиб зиммасига юклар оқимининг катта қисмини узоқ масофага ташиб бериш вазифаси юклатилади ва ташувларга бўлган эҳтиёжни чет эл мамлакатлари билан алоқаларда қондиради.

Фикримизча, вақт ўтиши билан ташувларни темир йўл орқали амалга ошириш узоқ ва ўрта масофаларга иқтисодий жиҳатдан энг самарали усул бўлиб қолади.

Юк ташувларини ўрта масофага бажаришда темир йўл транспорти автомобил ва денгиз транспорти билан рақобатлашади. Темир йўл транспорти катта ҳажмли юкларни узок масофага ташишда самаралироқ ҳисобланади.

Темир йўл транспорти самарадорлигининг ўсиши тармоқдаги асосий ишлаб чиқаришнинг янгилиниши, темир йўл ташувларига талабнинг ўсиши, тузилмавий ислохотларнинг бориш натижалари, Ўзбекистон халқаро транспорт коридорлари участкаларидан самарали фойдаланиш билан белгиланади.

Ҳозирги шароитда халқаро ташувларнинг юқори даражада ўсиши халқаро алоқаларнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигига транспорт омили таъсирини жадаллаштиради.

Айрим товарлар ташқи савдоси қийматида транспорт хизматларининг улуши 40% дан зиёдроқни ташкил қилади (1).

Шу сабабли мамлакат транспорт тизимидан оқилона фойдаланиш, ташувларнинг прогрессив, замонавий турларини тадбиқ этилиши транспорт харажатларини қисқариши ва ташқи савдони ривожланишига ва самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Фикримизча, ташқи иқтисодий алоқаларда транспорт коридорлари орқали кўрсатиладиган хизматларнинг иқтисодий самарадорлиги, ташқи алоқалар йўналишларини танлаш, транспорт тури, ташиш услуги, халқаро алоқалар вариантларининг ривожланиши орқали аниқланади. Юқорида қайд этилган омиллардан ташқари иқтисодий самара аниқланишида халқаро алоқаларни ривожлантириш вариантлари ҳам инобатга олиниши зарур.

Самарадорликни аниқлашда мижозларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, эгилувчан шароитга мослашган хизматлар ва фаолияти давомида харажатларни тежаш имконини берадиган механизмларни қўллаган ҳолда ёндошиш талаб этилади. Ташишнинг у ёки бу варианты самарадорлигини аниқлаш асосий ташувчини танлашда муҳим тамойил ҳисобланади. Бунда фақат ташиш харажатларини таққослаш билан чегараланмасдан, транспорт хизматларининг сифати (тезкор, кафолатли, сақланган, "аниқ вақтда" етказиб беришни комплекс равишда бажариш, "эшикдан-эшикгача"), хавфсизлик даражаси ва транспортнинг экологик жиҳатдан талабга жавоб беришини ҳам ҳисобга олиш зарур ва б.

Замонавий шароитда халқаро юк ва йўловчиларни ташиш ва транспорт хизматлари бозорини нормал ҳолатда фаолият юритиши, транспорт ишлаб чиқариш моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, самарали инновацион сиёсатни олиб бориш, қонунчилик-ҳуқуқий ва норматив базани мустаҳкамлаш орқали амалга оширилади. Юқорида таклиф этилган тадбирлар тизими барча давлат органлари, ҳудуд раҳбарлари, транспорт тармоғи раҳбарлари ва ҳаракат таркиби эгаларининг ўзаро мувозанатли ҳатти-ҳаракатлари асосида амалга ошади. Шу билан бирга, қўл остидаги ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда ишлаб чиқариш ва интеллектуал потенциалдан ва транспорт инфратузилмасидан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Халқаро алоқалар орқали юк ташувларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш учун олинган натижалар ташувларнинг барча жараёнларидаги харажатлари билан солиштирилади ва қуйидагича ифодланади:

$$\Delta = T_{\text{соф}} / C_{\text{қ}} * V_{\text{қ}}, \quad (1)$$

Бу ерда Тсоф - товар экспортдан тушган соф тушум;  
 Сқ - ишлаб чиқаришга, транспортировкакашга, солиқ тўловлари, шартномалар вақтида бажарилмаганлигига тўловларни қоплашга кетган харажатлар йиғиндиси;

Вқ- валюта тушумларининг қадирсизланиши.

Ташишдан олинган соф тушум қуйидаги кўрсаткич орқали аниқланиши мумкин:

$$T_c = \Pi * Q_x - (Z_p + Z_c + Z_t) * Q_x, \quad (2)$$

бу ерда Цтб.-товар бирлигининг нархи;

Qx -шартнома бўйича товар хажми ,товар бирлигида ;

Zп - ишлаб чиқариш харажатлари, пул бирлигида;

Zс - солиқ тўловлари;

Zт - транспортировкакаш харажатлари.

Барча харажатлар йиғиндиси қуйидагича аниқланади:

$$Z_{\Sigma} = Z_p + Z_n + Z_t + Y + \Delta Z_{\text{мж}};$$

Zмж- меъёрдан ташқари заҳира, қўшимча воситаларни ижара харажатлари;

Битим ва шартномаларни вақтида бажарилмаслиги туфайли вужудга келган чиқим хажми қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$Y = K * \Pi * Q * t_x$$

бу ерда К - қисқа муддатли банк кредитларини тўлаш(10%) коэффициенти ;  
 tx- юкларни етказиб бериш даври ;

Демак, янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда темир йўл юк ташиш транспорти катта ўрин тутди. Бу бир қатор омиллар билан белгиланиши мумкин:

- биринчидан, Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, ҳудудий давлатлар билан умумий чегарага эга: шимол ва шимоли-ғарбда Қозоғистон билан, жануби-ғарбда Туркманистон билан, жанубда Афғонистон билан, жануби-шарқда Тожикистон билан ва шарқда Қирғизстон билан чегарадош;
  - иккинчидан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ҳудудида марказий ўринга эгаллиги унинг ҳудудий жараёнларда муҳим ўрин тутишини белгилаб беради;
  - учинчидан, Ўзбекистон географик жойлашуви ва транспорт коммуникацияларини ривожланган тизимга эгаллиги билан ҳам аҳамиятга эга;
  - тўртинчидан, халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш ва барқарор стратегияни шакллантириш Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди.
- Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини кенгайтириш ва келажакда ривожлантириш учун барча шароитлар яратилмоқда.